

ЎЗБЕКИСТОН ССР СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ
БИЛИМЛАР ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИЯТИ

Тарих фанлари кандидати, доцент

С. А. АКРАМОВ

Б У Ю К
Ў З Б Е К
О Л И М И
У Л У Ф Б Е К

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент — 1961

Ушбу брошюрада буюк ўзбек олими Улугбекнинг ҳаёги, илмий фаолияти ва астрономия фанига қўшган жуда катта хизматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Акрамов С. А.
Буюк ўзбек олими Улугбек. Т., «Қизил Ўзб-н», «Правда Востока» ва «Ўзб-ни Сурх» нашриёти, 1961.

43 бет, расм. (ЎзССР сиёсий ва илмий билим тарқат. жамияти).

Сарлавҳа олдида авт: Тарих фан. канд. доцент, С. А. Акрамов.

1. Улугбек ҳақида.

Акрамов С. А. Великий узбекский учёный Улугбек.

001 (00)

4 Урта Осиё шу жумладан Ўзбекистон кишилик маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Чунки Урта Осиёда яшаган буюк олимлар фан ва маданиятни ривожлантиришда беҳисоб ҳисса қўшганлар. Уларнинг номлари дунё фани ва маданияти тарихи саҳифаларида муносиб ўринни эгаллагандир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Нуриддин Акрамович Муҳитдинов 1957 йил 11 июнда Тошкентда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференциясида еўзлаган нутқида шарқ олимлари, шу жумладан Урта Осиёда яшаган олимларнинг фан ва маданиятимизнинг ривожланишига қўшган ҳиссалари ҳақида гапириб, бундай деган эди:

«Хоразмийнинг алгебра соҳасидаги тадқиқотлари бу фанга фақат ном берибгина қолмай, балки уни янги мазмун билан бойитди. Унинг алгебра тўғрисидаги ёзган асарлари Европадаги дарсликлар учун асос қилиб олинди. Авторнинг ўзи эса фаннинг мана шу муҳим соҳасини яратувчилардан бири ҳисобланади...

Бирунийнинг «Ватарлар» тўғрисида китоб» деган математик асарида геометрия, тригонометриянинг мураккаб масалалари баён қилинган. Бу асар ўрта асрларда математиканинг тараққий қилиш тарихида жуда муҳим воқеа бўлди. Урта Осиё олими Абу Райҳон Бируний оламнинг гелиоцентрик тuzилиши тўғрисидаги фаразни европаликлардан анча илгари айтган эди»¹.

¹ Н. А. Муҳитдинов, «Совет шарқшунослигининг янги муваффақиятлари сари», Тошкент, 1957 йил, 6-бет.

Лекин Ўрта Осиёда узоқ вақт давом этган феодал зулми, феодаллар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, айниқса ислом динининг реакцион хуружлари буюк олимларнинг эркин ижод қилишларига ғов бўлди. Олимлар томонидан яратилган бебаҳо дурдона асарлар йўқ қилинди, куйдирилди. Халқнинг асил фарзанди булган илм, маданият арбоблари, ажойиб донишмандлар қувғин остига олинди. Ҳатто азобларга дучор қилинди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда яшаган ва ижод қилган кўп мутафаккирларнинг қимматли асарлари бизгача етиб келмади.

Владимир Ильич Ленин Россия Коммунистик ёшлар союзининг III Бутун Россия съездида сўзлаган нутқида маданиятимиз тарихига берилиши лозим бўлган эътиборнинг буюк аҳамияти ҳақида гапириб бундай деган эди:

«Биз эски жамиятдан мерос бўлиб қолган билим, ташкилот ва муассасаларнинг ҳаммасидан, кишиларнинг куч ва восита запасидан фойдаланиш йўли билангина коммунизм қура оламиз».¹

Совет олимлари улуғ Лениннинг доҳиёна башоратига амал қилиб халқ хўжалигини янада юксак даражада ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини янги техника билан қуrollантириш бобида жуда катта илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар, ўз кашфиётлари билан жаҳон фани тарихида янги саҳифалар очмоқдалар.

«Совет олимлари ва инженерлари,— деди Никита Сергеевич Хрушчев, СССР Олий Советининг V сессиясида сўзлаган нутқида,— Космосни забт этишда Циолковский назарияси асосида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бизнинг давлатимиз, халқимиз совет олимлари ва инженерларининг самарали илмий иш олиб боришлари учун, улуғ кашфиётлар қилишлари учун ҳамма имкониятларни таъминлаб берганликлари туфайли, улар шу муваффақиятларни қўлга киритдилар»².

Ўз кашфиётлари, ақл-идроки ва заковатининг юксак парвози билан бутун жаҳонни ҳайратда қолдирган олимларимиз маданиятимиз тарихи, буюк мутафак-

¹ В. И. Ленин, Асарлар 31-том, 291-бет.

² «Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1960 йил, 7 май, № 106 11.552.

кирлар ҳаёти, илмий ишлари улар яшаган даврни тарихий материаллар асосида чуқур ўрганишга ҳам ғоят катта эътибор бермоқдалар.

Совет олимлари кишилик жамяти тарихида ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли абадий ном қолдирган мутафаккирларнинг маданий меросларини ҳурмат ва эътибор билан ўрганиб, уни халққа етказмоқдалар. Бу ажойиб ташаббус шарқ халқларининг маданий тарихида ном қолдирган Муҳаммад Ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Бируний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Ал-Фаробий, Умар Ҳайём, Аҳмад Бин Муҳаммад Ал-Фарғонавий, Навоий каби донишмандларнинг номини қайтадан жаҳон халқлари олдида машҳур қилиб қўйди.

Маданий меросни ўрганиш, ўзбек халқининг буюк олими Улуғбекнинг астрономик мактаби томонидан қилинган ишларни қайтадан ўрганишга имкон берди. Улуғбек жаҳон фанининг машҳур намояндalари Коперник, Галилей, Джордано Бруно каби олимлар қаторидан ўрин олган машҳур ва забардаст олимлардандир.

Улуғбек, фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Совет замонасидагина фан осмонида Зухра юлдуздай чарақлади.

Биз ҳам бу кичкина асаримизда ҳурматли ўқувчиларни буюк олим Улуғбекнинг илмий фаолияти билан таништириб чиқмоқчимиз.

* * *

Муҳаммад Тарағай Улуғбек XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмида, яъни 1394—1449 йилларда яшади. Улуғбек яшаган давр Ўзбекистонда феодализмнинг мустаҳкамланиш даври бўлди, яъни ер ва сувнинг жамятда озчиликни ташкил этган катта ер эгалари қўлига ўтиб бориши ва кўпчиликни уларга деярли боғлиқ бўлиб қолиши йирик феодал жамятининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Феодал муносабатларнинг Урта Осиёда кундан-кунга ўсиб бориши мамлакатда синфий курашнинг кескинлашишига таъсир кўрсатди. Мўғул истилочиларнинг бир ярим аср давом этган оғир зулми Мовароуннаҳрда ва босиб олинган бошқа ўлкалардаги аҳоли бошига оғир қуфатлар келтирди.

Ваҳшиёна вайронагарчилик йирик савдо маркази

бўлган Утрор ва Самарқанд каби шаҳарларни хароба-зорга айлантирган эди. Бу мусибатларга қарши Мовароуннахрда халқ оммасининг қўзғолонлари кучайиб борди. Натижада мўғулларнинг Урта Осиёдаги ҳукмронлигини тобора хавф остида қолдира бошлайди. Мовароуннахрда ташқи ва ички вазият оғирлаша болади.

Урта Осиёда феодал муносабатларнинг кучайиб бориши феодалларнинг мўғул ҳукмронлигини емириш учун қўзғолонлардан фойдаланишга ундайди. Феодаллар ўз ҳукмронлигини вужудга желтириш учун кураш бошлайди. Бу курашда феодал-аристократларга Темур бошчилик қилади. Темурнинг ҳарбий кураш фаолияти феодаллар ўртасида ўзаро курашлар, шунингдек мўғул хонининг Мовароуннахрни босиб олишга интилиши кучайган бир вақтда бошланган эди.

Шаҳрисабз шаҳридан унча узоқ бўлмаган Хўжа Илғор қишлоғида 1336 йилда Амир Тарағай оиласида туғилган Темур Мовароуннахрдаги феодалларнинг ўзаро курашларида қатнашиб, ҳарбий ишни пухта ўрганади. Темурдаги ҳарбий маҳорат уни тез орада ҳокимият тепасига олиб келди.

Темур ҳокимият тепасига чиққандан сўнг Балхга кучли қушин билан юриш бошлаб, 1370 йилда Балхни босиб олади, ва Балх ҳокими Ҳусайнни ўлдиради. Шундай қилиб бу ғалаба Темурни бутун Мовароуннахрда ягона ҳукмронлик қилишига имконият яратиб берди.

Темур Самарқандни уз пойтахти қилиб танлайди ва 1370 йилда Кешдан Самарқандга кўчиб келади. Самарқандда мўғулларнинг узоқ, даҳшатли истилосидан кейин Темур биринчи марта қалъалар ва саройлар қура бошлайди. Самарқандни ҳар эҳтимолга қарши душман қужумига бардош бера оладиган мустаҳкам қалъага айлантиради.

Темур Мовароуннахрни бир ҳокимиятга бирлаштириш мақсадида юриш бошлаб, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги ерларни Фарғона ва Шош областларини босиб олади.

1372 йилда Хоразмни қўлга олиш учун юриш бошлайди ва 1373—1374 йилларда Хоразмни босиб олади. Жанубий Хоразмнинг Темур давлатига қўшилиши Темур давлатининг катта ютуқларидан бири ҳисобланади. Темурнинг Хоразмга учинчи марта юриш бошлаши

Олтин Урданинг улуғ давлатчилик сиёсатига қарши, яъни Тўхтамишга қарши қаратилган эди. Чунки ўша пайтда Олтин Урданинг мавжудлиги Темур давлати учун катта хавф эди.

Темур бу жиддий хавфни бартараф қилиш учун катта ҳарбий юришга ҳозирлик кўради. 200 минг армия кучи билан Тўхтамишга қарши юриш бошлайди.

Уруш Тўхтамишнинг мағлубияти билан тугайди. Бу жангдан сўнг Олтин Урда ўзини тамоман ўнглай олмади. Чунки Темур бутун ҳарбий юришларида босиб олган шаҳарларни талар, ўт қўйиб ёндираар ва халқларни шафқатсизлик билан қирар эди. Карл Маркс Темурнинг бу даҳшатли сиёсатини қоралаб, бундай деган эди:

«Темурнинг сиёсати, минглаб хотин-қизлар, болалар, эркаклар ва ёшларни қийнаш, кесиб, қириб ташлаш ва шу йўл билан ҳамма ерда даҳшат солишдан иборатдир»¹.

Темур 1398—1399 йилларда Ҳиндистонни, 1400—1402 йиллар давомида кичик Осиёдаги Сивас, Суриядаги Халаб (Аллепо) каби шаҳарларни босиб олиб катта ҳарбий феодал давлатини ташкил этди.

1404 йилнинг охирида Темур жуда кўп ўлжа тўплаш мақсадида Хитойга юриш бошлайди. Лекин Темурнинг ўлими сабабли бу юриш 1405 йилнинг бошида тўхтаилади.

Темур томонидан 35 йил давомида олиб борилган ҳарбий юришларнинг даҳшатли оқибатлари «Ўзбекистон ССР тарихи» китобининг биринчи томида шундай тасвирланади.

«Темур бу юришларни Урта Осиёда бирлаштирувчилик сиёсатини амалга ошириш мулоҳазаларини кўзда тутиб қилди, деб айтиш ҳеч бир мумкин эмас. Бу юришларда Темурнинг ҳарбий бошлиқлари ҳам, оддий жангчилари ҳам аҳолига ғоят даражада қаттиқ раҳмсизлик ва шафқатсизлик кўрсатдилар. Аҳолининг моли-мулки эмас, балки унинг озодлигини ҳам тортиб олдилар, кўпинча ҳатто унинг ҳаётига ҳам чанг солдилар. Узоқ вақт чўзилган бу юришлардан кейин Темур ҳар сафар катта

¹ Карл Маркс, Фридрих Энгельс архиви, 1939 йил наشري, 6-том, 185-бет.

ва бой улжа олиб Шаҳризабзга (Кешга) ёки Самарқандга қайтиб келади» (357—358-бетлар).

Темур феодал муносабатлари ўсиб бораётган бир замонда яшадди. Темур давлати қаттиққўллик, жиддий интизомга эга бўлган ҳарбий режимга асосланган давлат эди. Унинг узоқ давом этган ҳарбий юришлари феодал муносабатларини яна ҳам ривожлантиради. Чунки қўшни мамлакатларни босиб олиш феодаллар учун катта фойда келтиради. Темур қўшни мамлакатларни босиб олиб ўзининг ҳарбий империясига бирлаштирар ва шу билан бир вақтда, ўз қўл остидаги ўлка, областларни ўз авлоди ва яқин кишиларига суюрғал қилиб берар эди. Аммо у ҳокимият тепасида турган вақтида Ўрта Осиё ва Эрондан ташкил топган ерларни ягона бир давлатга бирлаштириб, уни ўз қўлида маҳкам сақлаб қолади.

Темур ўқиш ва ёзишни билмаган бўлса ҳам, ўз давлати учун фойда келтирадиган, ҳар қандай билимни қадрлар эди.

Савдо йўлининг Самарқанд устидан ўтиб бориши ҳам феодаллар, руҳонийлар ва савдогарлар учун катта фойда келтириб, меҳнаткаш халқнинг ҳаётини аялч қолга тушиб қолишига сабаб бўлган эди. Чунки Темур билан бир қаторда феодаллар, руҳонийлар ва савдогарлар теурийлар томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиб халқни талар, ерларини тортиб олиб, меҳнаткаш омmani ерсиз қолдирар эдилар. Феодализмнинг асл қонуни ҳам шундай эди.

Владимир Ильич Ленин феодализм давридаги деҳқонларнинг оғир аҳволи ва ҳуқуқсизлигини тасвирлаб бундай деган эди:

«Деҳқонларнинг аҳволи амалда қулдорлик давлатидаги қулларнинг аҳволидан жуда кам фарқ қиларди»¹.

Шундай қилиб, Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам ҳунарманднинг феодалга боғланиши кучайди. Меҳнаткашлар устига тушадиган солиқлар кўпайди, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда Темур қурган ҳашаматли бинолар ана шу солиқлар кучи ва асир қилиб олиб келган ҳунармандларнинг зўр меҳнати туфайли қад кўтарган эди.

1 В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 500-бет.

Темур империяси ташқи томондан мустаҳкам империя бўлиб кўринса-да, ички томондан заиф эди. Темур ўлиmidан кейин бошланган ва кескинлашиб кетган ички курашлар бунинг далили бўла олади.

Темур ўлиmidан кейин унинг ўғиллари ва набиралари ўртасида тахт учун жиддий курашлар бошланди ва тез фурсатда Мовароуннахр иккига бўлинди. «Ўзбекистон ССР тарихи» (бир томли) китобида Темур империяси мустаҳкам иқтисодий базага эга бўлмагани, унинг империяси кучсизлигининг асосий сабаби деб кўрсатиб, бундай ёзилган:

«Удил системаси ва сулорғал расмига асосланган умумий бир иқтисодий базага эга бўлмаган ёлғиз буюк ҳукмдорнинг идораси ва қилич зарби билан сақланиб келган бир давлатнинг тақдири шундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди» (187-бет).

Темур тарихда шафқатсиз истилочи бўлишига қарамай, унинг империяси Ўрта Осиёда фан ва маданиятнинг ривож топишига маълум даражада таъсир кўрсатдиким, бунинг ижобий натижаларини Темур авлодлари, айниқса Улугбек ҳукмронлиги даврида кўриш мумкин. Темур ўз империясининг шуҳратини кўтариш учун ҳашаматли бинолар, расталар, боғлар қуриш билан бир вақтда ўз давлатининг маркази бўлган Самарқандда фан ва санъат соҳасида ном чиқарган кишиларни ҳам тўплади. Сарой атрофида тўпланган олимлар, рассомлар, архитекторлардан ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадидагина фойдаланди. Темур томонидан қилинган бу ҳаракат ундан кейинги даврда Мовароуннахрда фан ва маданиятнинг тез тараққий этиши учун имкониятлар яратди.

Бирлашган йирик империянинг ташкил этилиши ва савдо муносабатларининг кенг кўламда ривожлантирилиши қарам бўлган мамлакатларда Темурнинг истагига қарамай, маданий алоқаларнинг маълум даражада ўсишига олиб келдики, бу ҳам Темур ҳукмронлигидан кейин Мовароуннахрдаги маданий ҳаётга, шубҳасиз маълум даражада таъсир қолдирди. Биз буни Улугбек давридаги маданий ҳаёт билан танишганда кўрамыз. Дарҳақиқат шоҳзодалар ўртасида тахт учун бўлган жанг кескин тус олиб боради.

Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ва Темурнинг набираси

Халил Султон 1405 йилдан то 1409 йилгача урушадилар. Узоқ давом этган бу жанг халқ хўжалигига катта шикаст етказди, халқ урушнинг оғир мусибатларини ўз бошидан ўтказишга мажбур бўлади.

1405 йилда бошланган ва 4 йил давом этган жанг Темурнинг ўғли Шохруҳ фойдасига ҳал бўлади.

1409 йилда Шохруҳ Мовароуннахрнинг маркази Самарқандни босиб олади. Самарқандни ўз қўлига олгач, ўғли Улуғбекни ҳоким қилиб тайинлайди.

Буюк ўзбек олими Улуғбек 1394 йилнинг 22 мартада Султония шаҳрида туғилади. Улуғбекнинг асл номи Муҳаммад Тарағай бўлиб, Улуғбек лақабидир, кейинчалик бу лақаб унинг исмига айланади. Улуғбек Темурнинг набираси, яъни Шохруҳ ва унинг хотини Гавҳаршоднинг катта ўғиллари бўлиб, унинг асосий тарбияси Темурнинг катта хотини Сарой Мулкхоним (Бибихоним) ихтиёрига берилади.

Улуғбек ёшлик йилларини Гавҳаршод ва Сарой Мулкхоним билан бирга ўтказди. Шу сабабдан ҳам Улуғбек бобоси Темурнинг узоқ давом этган ҳарбий юришлари вақтида у билан бирга бўлади. Бундай юришлар ёш Улуғбекка кўп жойларга саёҳат қилиш имкониятини беради.

Улуғбек бобоси Темурни гоҳо Амударё бўйида, гоҳо Кобул ёки Самарқандда кутиб олади, баъзан узатиб қўяди.

Улуғбекнинг ёшлик йилларида қандай таълим олгани ва кимлар қўлида ўқигани ҳақида аниқ далиллар йўқ.

Улуғбекни 10 ёшида Муҳаммад Султоннинг қизи Оға Бегимга уйлантирадилар. Оға Бегимнинг онаси Олтин Урда хони Ўзбекхоннинг синглиси эди. Темур ўлган вақтда Улуғбек 11 ёшда эди. Отаси Шохруҳ Самарқандни босиб олгандан кейин, 1409 йилда Самарқандга қелади, отасининг муовини сифатида Самарқанд тахтида ҳокимлик лавозимида ўтиради.

Бу вақтда Улуғбек 15 ёшда бўлиб, давлатни мустақил идора қилишга қийналар эди. Шу сабабдан ҳам Шохруҳ ўзининг содиқ саркардаси Шох Маликни ўғли Улуғбекка васий қилиб тайинлайди. Орадан икки йил ўтгач 1411 йилдан бошлаб Улуғбек мустақил ҳоким сифатида давлатни идора қила бошлайди. Улуғбекнинг ихтиёрида асосан Қашқар, Бухоро хонлиги (ерлари



Самарқанддаги Гуримир мақбарасининг
кириш пештоқи.

Фарғона, Самарқанд областининг ҳозирги территорияси Сурхондарёнинг бир қисми) бўлган эди.

Улуғбек тахт тепасида турган вақтидаги унинг ташқи ва ҳарбий сиёсатлари ҳақиқатан ҳам Ватаннинг бирлигини сақлаш ва уни ҳимоя қилишдан иборат эди. Профессор Қорниёзов «Астрономическая школа Улуғбека» деган китобида Улуғбекнинг босқинчилик сиёсат олиб бормаганлигини шундай кўрсатиб ўтади:

«Уз бобоси Темурга нисбатан Улуғбек босқинчилик урушларига қизиқмади, бўлиб ўтган бир-икки юришлар ҳам тамоман бошқача характерга эга эди. Улуғбек ҳарбий юришларни фақат зарур бўлгандагина, фақат хавфдан қутулиш ёки Ватанини муҳофаза қилиш учунгина ўтказган эди» (32-бет).

Улуғбекнинг темурийлар авлоди ичида улуғ номга эга бўлишининг энг муҳим ва асосий сабаби, дунёвий билимларни севгани ва ҳокимият тепасида турганлигига қарамай, мамлакатнинг ободонлиги ва дунёвий билимларни айниқса, астрономия фанини ривож топтириш учун жиддий кураш олиб борганлигидадир. Улуғбек Самарқандни бобоси Темур давридаги обод ҳолатини сақлаб қолишгагина эмас, балки уни яна ҳам гўзаллаштириш — кўркамлаштириш устида жиддий ишлади. Улуғбек Самарқанд яқинидаги Обираҳмат ариғи бўйидаги Богй Майдонда Чил-Стун ва Чиниҳона биноларини қурдирдиким, бу биноларнинг архитектура декорациялари ўз замондошларини ҳайратда қолдиради.

М. Е. Массон Улуғбекнинг бу ташаббуси ҳақида шундай деди:

«Темурнинг қурилиш соҳасидаги фаолияти унинг набираси Улуғбек томонидан давом эттирилган эди. Унинг 40 йиллик ҳукмронлик даври Самарқанд учун феодал сарой маданиятининг гуллаш даври бўлган эди»¹.

Улуғбек Гўримирирнинг кириш пештоқини қурдиради. Шоҳизинда ансамблида ўз замонасининг машҳур олими Қозизода Румий мозори устига мақбара бино қилдиради.

1432—1433 йилларда Ғиждувонда ҳам шундай мадраса қурдиради.

¹ М. Е. М а с с о н, «Самарқанд времени Улуғбека», журнал «Звезда Востока», № 5, 1948 й. 90-бет.



Астроном Қозизода Румийнинг қabri. Улугбек Самарқанддаги
мадрасасига ухшаш Бухорода ҳам 1409 йилда ҳашаматли,
гузал мадраса курдирди.

Шаҳрисабзда ҳам 1435—1436 йилда мачит қурдиради. Улуғбек томонида қурдирилган бу мадрасалар унинг фан ва маданиятга булган эътиборини ифодаловчи далиллардир. Масалан: 1417 йилда Бухорода солинган мадраса пештоқига «Билимга иштилиш ҳар бир мусулмон эркак ва хотин-қизларнинг бурчидир» деган сўзлар ёзилган эди.

Шундай қилиб, Улуғбек ҳокимият тепасида турган вақтида шаҳарни обод қилиш билан бир қаторда, у фан



Бухородаги Улуғбек мадрасасининг ташқи кўриниши.

ва маданиятни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берди.

Бу жиҳатдан Улуғбек отасидан тамоман фарқ қилар эди. Отаси Шохруҳ Хиротда руҳонийларга суяниб иш кўрган бўлса, яъни эркин фикр эгаларини таъқиб этган бўлса, Самарқанд ҳокими Улуғбек ўз атрофига шоир ва олимларни тўплади.

Мамлакатда маданиятни тараққий эттиришга кенг йўл очиб берди. Илм ва фаннинг ривожланиб боришида ўзи ҳам актив қатнашди.

Фан, адабиёт ва санъатнинг машҳур намоёндаларидан бўлган «Зубдат таворих» деган катта асар ёзган тарихшунос Лутфулло Ҳофизий Аbru (1431 йилда вафот этган) машҳур мавлоно Нафис, лирик шоирлардан

Сирожиддин Бисотий Самарқандий (1412 йилда вафот этган), Хиёлий Бухорий (1449 йилда вафот этган), Бадаҳший, 1409—1410 йилларда «Юсуф ва Зулайхо» достонини ёзган Дурбек, қасидалар жанрини вужудга келтирган шоирлардан бири Саккокий (1468 йилда вафот этган), Лутфий (1465 йилда вафот этган) ва бошқа кўпгина илм-фан арбоблари Улуғбек даврида яшаган ва ижод қилганлар.

Улуғбек бошқа фанлар билан бир қаторда, тарих фанини ҳам ривожлантиришга кизиққан эди. Уша даврда ёзилган «Тўрт улус тарихи» Улуғбек номи билан боғлиқдир. Бу асар Чингизхон империясининг инқирозидан кейин ташкил бўлган тўрт давлат: Хитой ва Монголия, Олтин Урда, Эрон ва Урта Осиё тарихини ўз ичига олган. Аммо бу асарнинг қўл ёзмаси бизгача келиб етмади. Бу «Тўрт улус тарихи»ни ёзишда Улуғбекнинг ўзи шахсан қатнашганлиги ёки қатнашмаганлиги XV аср тарихчиси Хондамирнинг айтишича аниқ эмас. Лекин Улуғбек бундай асарнинг ёзилиши зарур эканлигини доимо эътироф этган ва бу асарнинг рўёбга чиқишига шубҳасиз иштирок этган.

Улуғбек даврида мамлакатда нафис тасвирий санъат ва ҳуснихат ҳам тараққий этади. Шарқда ўз ҳунари билан ном чиқарган таладли хаттот Абдурахмон Хо-



Бухородаги Улуғбек мадрасасининг ички курилиши.

размий ва унинг үгиллари Абдурахим ва Абдукарим Самарқандда яшаб, чиройли ёзув санъатининг ажойиб намуналарини, ҳуснихатнинг янги формаларини яратдилар. Улар томонидан яратилган ажойиб намуналарни ҳозир ҳам Самарқанднинг қадимги ёдгорликларида кўриш мумкин.

Улуғбек даврида рассомлик санъати ҳам ўсади. Қўлёзма китобларни нафис суратлар билан безатиш яна ҳам кенг йўлга қўйилади.

Улуғбек ташқи душман ва мамлакат ичкарасидаги реакциянинг қаттиқ зарбаларига дуч келишига қарамай, уз замонасининг маданиятини пухта ўрганди.

Улуғбек даврида санъат тараққий этиши билан бир қаторда, дунёвий адабиёт ҳам ривожланиб боради. Дунёвий адабиёт вакиллари суфатида Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Отойи, Саккокий, Лутфийларни курсатиш мумкин. Улар сўфизм ва мистик адабиёт оқимларига қарши ишқ-муҳаббатни куйладилар, дунёга умид билан қарашни тарғиб этдилар.

XIV асрнинг охири XV асрнинг бошида яшаган дунёвий адабиёт вакили Дурбек «Юсуф Зулайхо» достонида дунёвий лаззатлардан фойдаланишни тарғиб этади.

«Бужун васлингни тарк айлаб,
Тилар жаннатни зоҳидлар,
Берурлар насияга нақдин
Бу не нодон ҳалойиқдир».¹

Улуғбек томонидан олимлар ва шоирларга берилган зўр имтиёзлар ўз замонасидаги шоирларнинг асарларида Улуғбек номини ҳурмат билан тилга олишга сабаб бўлади.

Дунёвий адабиётнинг вакили машҳур лирик шоир Лутфий:


«Улуғбекхон билур Лутфий камолин,
Ки рангин шеърий Саломондин қолишмас»

деб ёзади. Лутфий бу байтда Улуғбек ўзбек адабиёти намояндаларини ўз химоясига олганлиги ва уларнинг ижодий камолотга етишмоқ учун бутун имкониятни берганлигини изҳор этиб, Улуғбек томонидан Лутфийнинг шеърларини, мазмун жиҳатидан юнон лирик шоири Саломондан қолишмаслигини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон ССР тарихи, 1 томли, Тошкент, 1958 йил, 195-бет.

Улуғбек ташаббусида коллеграфия, миниатюра санъати соҳасида ажойиб бойликлар барпо этилади. Қўлөзма асарлар ажойиб суратлар билан безатилади. Ёғоч ва тошларда ўймакорлик санъати юксалади.

Улуғбек замонида Самарқанд нафис санъатнинг маркази бўлади ва Шарқда машҳур бўлган олимлар йиғилади. Улуғбек олимларга илмий ишларни олиб бо-



Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси.

ришлари учун катта имконият яратиб мақсадида Самарқандда ноёб китоблар фондига эга бўлган китобхона ҳам ташкил қилди. Бу ҳам Улуғбекнинг Самарқандни маърифат марказига айлантиришда кўрсатган ташаббусидан гувоҳлик беради.

Улуғбек ўз саройида илмий суҳбатлар ҳам ташкил этиш билан бирга, саройида зиёфат ва базмлар ўтказдики, бу Улуғбекнинг маданий ҳаётга бўлган завқининг баланд бўлганлигини кўрсатади. Улуғбек даврида Шайхул Ислоҳ мансабини эгаллаган Исомиддин ўша даврда олий руҳонийлик мансабини эгаллаганлигига қарамай, зиёфатларга қатнашиш гуноҳ деб қараш у ёқда турсин, бу зиёфатларда ўзи ҳам қатнашган ва Улуғбекнинг эркин фикрларни ривожлантириш тadbирларига

хайрихоҳ бўлган. Улуғбекнинг санъат, тарих, адабиёт, фанга бўлган майли ва саройда ташкил этиладиган ўтиришлари реакцион руҳонийларнинг кескин норозилигининг кучайтиришига сабаб бўлди.

Улуғбек даврида реакцион руҳонийлар маркази бўлган Бухорода нақшбандиларнинг сўфиллик — дарвешлик орденининг таъсири жуда кучли эди.

Мовароуннахрда реакцион сўфизмга бошқа феодаллар билан бирга Улуғбек давридаги энг катта феодал ва реакционер Хўжа Аҳрор бошчилик қилар эди. Бухоро ва Самарқандда Улуғбек тахтда ўтирган кунларда ноқ, унинг хатти-ҳаракатларига норозилик билдирадиган реакцион доирадаги шахслар пайдо бўла бошлайди. Масалан, Бухорода Муҳаммад Порсо, Самарқандда Ҳасан Аттор, Бадаҳшонда ва Чоғонийёнда Ёқуб Чархий каби катта шайхлар бор эди. Ҳасан Аттор, Ёқуб Чархийлар дарвешларнинг энг йирик реакцион намояндаси Хўжа Аҳрорнинг устозлари ҳисобланар эдилар. Булар, яъни бу реакцион намояндалар Улуғбек давридаги мутафаккирларнинг ажойиб ҳаракатларига қамма вақт ҳар ерда қаттиқ зарба беришга уринар эдилар.

Улуғбек ва унинг атрофида тўпланган олимлар, санъаткорлар ва дунёвий адабиёт вакиллари реакцион руҳонийларнинг қаттиқ тўсқинликларига дуч келишларига қарамай, дунёвий фан, адабиёт ва санъатнинг хазинасига ноёб дурдоналар тўхфа қилиш устида тинмай ишлардилар ва бу соҳада ўз истак ва орзуларига етишга муяссар бўлдилар.

Улуғбек мамлакатда фан ва маданиятни ривожлантириш билан бир қаторда, араб истилочилари ва муғул босқинчилари томонидан оёқ ости қилинган Ўрта Осиё халқларининг қадимий бой маданиятини қайтадан тиклаш мақсадида уни зўр ҳурмат ва эътибор билан ўрганишга киришади. Яъни Улуғбек ўзидан олдин ўтган олимларнинг фан дунёсига қўшган бой илмий тадқиқотларини ўқиб ўрганади ва бу тадқиқотларни яна ҳам мукамаллаштириш устида жиддий иш олиб боради.

Ўзбек халқининг атоқли шоири Гафур Ғулوم 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган декада кунлари арафасида ўзбек халқининг ўтмишдаги бой маданиятига баҳо бериб, шундай деган эди:

«Ўзбек халқининг маданияти жуда бой тарихга эгадир. Халқимиз жаҳон илм-фанининг равнақига

ўзларининг катта улушларини қўшиб, ўзбек халқига хос бўлган заковат ва матонатини ер куррасининг турли бурчларида яшовчи халқлар олдида намойиш этган Абу Али Ибн Сино, Форобий, Бируний, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобир каби ажойиб кишиларнинг номлари билан фахрланади. Ана шундай маърифатпарвар боболаримизнинг азиз меросини ардоқлаб келаётган халқимиз Октябрь қуёшидан баҳра олиб, инсоният тарихида янги мазмун ташкил этган ўзининг социалистик маданиятини яратди»¹.

Улуғбек ҳақиқатан ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек ўзигача бўлган бой маданий хазинани чуқур ўрганишга киришади. Х асрда Фороб шаҳридан (Сирдарё бўйидаги шаҳар), чиққан машҳур философ Муҳаммад Форобий Арестотелнинг классик асарларига ҳар томонлама изоҳлар бериб ва уни ижодий асосда қайтадан ишлаб, шарҳда философиянинг узоқ вақтгача Арестотель тутган йўлдан боришига сабабчи бўлди. Замондошлари уни иккинчи Арестотель деб атаган эдилар.

Улуғбекдаги илмий фаолиятнинг ўсиб боришида Муҳаммад Форобий, Бируний каби Абу Али Ибн Синопнинг ҳам таъсири кучли бўлган.

Биз юқорида Улуғбекнинг ёшлик йилларида олган таълим ҳақида ҳеч қандай далилларнинг бўлмаганлиги тўғрисида гапирган эдик. Ёш Улуғбекнинг фанга бўлган қизиқиши саёҳатлар, маданий-билимдон кишилар билан қилган суҳбатлар натижасида равнақ топди.

Бундан ташқари, Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ ҳам нодир китобларни севарди. Шоҳруҳ энг яхши китобларни ва қимматбаҳо қўлёзмаларни тўплаб, катта бир кутубхона ташкил этди. Китоб ўқишда завқи баланд бўлган Улуғбек ёшлик йилларида кўп вақтини мана шу кутубхонада ўтказарди. У ўзидан олдин ўтган донишмандларнинг асарларини қизиқиб ўқийди ва ўрганади.

Улуғбек грек олимларидан Платон, Арестотель, Гиппарх, Птоломейнинг классик асарлари, ўз ватандошларидан Ал Фарғоний, Ал Форобий, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Ибн Мусо, Ал Хоразмий ва бошқа олимларнинг қимматли асарлари билан танишади. Уларнинг

¹ Ғ. Ғулом, «Шонли маданият кўриги», «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1959 йил, 14 февраль сони.

ҳаммаси Улуғбекда фанга бўлган зўр ҳавасни кучай тиради.

* * *


Урта Осиё халқларининг бой маданий мероси Улуғбекнинг илмий озуқаси бўлди. Уша даврда аниқ фанларнинг тараққий этганлиги ва бу соҳада мавжуд бўлган қимматбаҳо илмий асарлар, шунингдек Улуғбекнинг уш давридаги кўзга куринган астрономлар ва математиклар жамияти билан бўлган яқин алоқаси унинг илмий фаолиятини аниқ йўлга солишда катта таъсир кўрсатди. Хақиқатан ҳам тарихчи Лутфулло Ҳофиз Абду (1431 йилда вафот этган), «Нодир йилномалар» атери Али Бин Муҳаммад Журджоний (1413 йилда вафот этган), машҳур медик Мавлоно Нафис, лирик шоирлар: Сирожиддин Бисотий Самарқандий (1412 йилда вафот этган), Хиёлий Бухорий (1449 йилда вафот этган), Бадаҳший, Дурбек, Саккокий ва бошқалар Улуғбек замонида яшаб, фан, санъат, адабиёт соҳасида жуда кўп ижод этган эдилар. Лекин шунга қарамай Улуғбек замонида кенг халқ оmmasининг маданий даражаси жуда ҳам паст эди. Чунки реакцион рухонийларнинг қаттиқ таъйиқи кенг халқ оmmasининг ўсиб бораётган маданиятдан фойдаланиш у ёқда турсин, ҳатто ўша даврдаги олимларнинг ўз фикрларини эркин айтиши ҳам йўл бермас эди.

Халқнинг истеъдодли бу фарзандлари қаттиқ қаршиликлар, қувғинларга қарамай, бир ердан иккинчи ерга қочиб бўлса ҳам, оғир қийинчиликларга бардош бериб, хақиқат учун курашдилар, меҳнат қилиб дунё маданияти хазинасига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Улуғбекнинг илмий ишлар билан чуқур шуғулланиши, унинг олдига янги олий мактаб очишни кўпдалани қилиб қўяди. Улуғбек бунга эришиш мақсадида 1417 йилда Самарқандда мадраса қуришга киришади. Бу мадраса 3 йилдан сўнг, яъни 1420 йилда қурилиб тугалланади. Бу мадраса шарқ мамлакатлари олдида илмий марказга айланади.

Улуғбек томонидан қурилган бу мадрасада диний фанлар билан бир қаторда дунёвий билимларни ўқи тишга ҳам катта эътибор берилади. Шу сабабдан ҳам Улуғбек бу мадрасада дарс берадиган олимларни танлашда ўзи бевосита қатнашади.

Улуғбек мадрасасида ўқиладиган дунёвий фанлар билан биринчи ўринни астрономия фани эгаллайди. Улуғбек ва унинг шогирдлари астрономия фани устида кўп қилган машғулотлар олиб борадилар. Шундай қилиб Улуғбекнинг ва мунтазам равишда давом этган машғулотлари ва илмий кузатишлар натижасида Улуғбек мадрасаси қўшида оддий астрономик майдонча вужудга



Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси.

келдики, бу эса обсерватория биносини қуриш зарурлигини келтириб чиқаради.


Улуғбек раҳбарлигида мадрасада олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, аниқ ўлчовли қурооллар билан таъминланган обсерватория барпо этишни тақозо этди. Чунки Улуғбек мадрасасида 4 йиллик мунтазам давом этган астрономик машғулотлар тажрибасидан кейин обсерватория қуриш учун кенг замин ҳозирланган эди.

Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиннадин Қошийларнинг маслаҳати сўяниб, Самарқанднинг Чўпонотага яқин Куҳак деб аталган жойида Оби Раҳмат ариғи бўйида обсерватория биносини қуришга киришди. Обсерваториянинг бу жойда шунда қурилишининг сабаби, юлдузлар ҳаракатини аниқни текширишга катта қулайлик туғдириш учун эди.

Обсерваториянинг уч қаватли биноси жуда катта боғлар билан ўраб олинган бўлиб, бу обсерваторияни чанг-тўзондан сақлашга ва илмий-текшириш ишларини осойишта олиб боришга қулай шароит туғдиради. Шунингдек обсерватория атрофида қўшимча бинолар ҳам қурилади. Улуғбек бу ерда кўп вақтини мутолаа билан ўтказди. Обсерватория Улуғбек мадрасаси қурилгандан кейин тўрт йил ўтгач қурила бошланиб 1428—1429 йилларда тугалланади. ✕

Улуғбекка илмий ишлар олиб боришда ўзи тузган кутубхона катта ёрдам беради. Лекин бу кутубхона обсерватория ёнида бўлганми, ёки бошқа жойда бўлганми, бу аниқ эмас. Шуниси шубҳасизки, кутубхона Улуғбек астрономик мактабидаги олимларнинг назарий билимларини оширишнинг муҳим хазинаси ҳисобланган. Улуғбек обсерваториясида фахрий секстантидан ташқари яна бир қанча катта заллар ва қўшимча уйлар бўлган, унинг ташқи кўриниши ҳам жуда чиройли ишланган.

Абдуроззоқ Самарқандий тасвирига кўра, обсерватория деворларига 9 осмон ва шу каби ўша замонга



Самарқанддаги Улуғбек обсерваториясининг уч қаватли биносининг умумий кўриниши. XV аср. (В. А. Нильсон реконструкцияси).

хос тушунчаларнинг тасвири солинган бўлган. XVI асрнинг бошларида яшаган лирик шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобир Улуғбек обсерваториясининг илмий жиҳатларини баҳолаб шундай дейди:

«Мирза Улуғбекнинг обсерваторияси ҳозирги вақтда бутун дунёда қўлланиши мумкин бўлган «Гургона астрономияси таблицалари»ни тузишга хизмат қилади»¹.

Улуғбек обсерваторияси Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар орасида алоҳида ўринни эгаллайди ва у шарқдаги энг катта обсерваториялардан бири ҳисобланади. ✕Обсерваторияда олиб борилган кузатишлар натижасида ёзилган асарлар эса, бутун урта аср шарқ астрономиясининг энг сўнгги асарлари ҳисобланади. Улуғбекнинг «Янги астрономия жадваллари» («Зижи жадидий курағони») деган машҳур илмий асари жуда кенг муқаддимадан ва обсерваторияда Улуғбек томонидан ўтказилган кузатишлар асосида тузилган махсус жадваллардан иборатдир. Бу китоб Улуғбек томонидан 1437 йилда ёзиб тамомланган, аммо Улуғбек умрининг охиригача обсерваторияда илмий кузатиш ишларини давом эттиради. Обсерваторияда олиб борилган кузатишларда асосий қурол бўлган унинг кўз ўлчови XVII асрга қадар телескоп ихтиро этилгунча астрономия фанида телескоп ролини ўйнаган эди.

Академик В. В. Бартольд Улуғбекнинг янги астрономик жадваллари ва юлдузлар каталогини ўрта аср астрономия фанининг энг охириги сўзи ва олий даражасига эришган муваффақиятидир деб таърифлайди.

Улуғбек «Янги астрономия жадваллари» китобининг муқаддимасида турли шарқ халқларидан қабул қилиб олинган йил ҳисобини билиш усуллари, амалдаги астрономия масалалари планеталар ва астрология назариясини баён қилиб берган. ✕

В. В. Бартольд «Култура мусулманства» деган асирида Улуғбек томонидан турли халқларнинг маданий меросларининг, уларнинг диний, миллий фарқларига қарамай, феодал реакцияси даврида ўз илмий ишларида фойдаланганлиги ҳақида гапириб: «Улуғбек қар қандай диний ва миллий тафовутлардан холи бўлган, умуминсоният тараққиёти гоёлари билан суғорилган олим эди.

¹ Ўзбекистон ССР тарихи, 1 тэмлик, 381-бет, 1958 йил.

Улуғбек ўзининг астрономик жадваллари асарининг кириш қисмида фан билли шуғулланиш энг аниқ натижаларга олиб келиши мумкин деган ажойиб фикрларни олға сурган эди. Чунки фанда бир дин ўрнига иккинчи диннинг келиши, миллатлар ва тиллар ўртасидаги тафовутларни акс эттирилмайди» деб ёзади (94—95-бетлар).

Улуғбек китобининг жуда кўп астрономик жадваллари орасида жаҳондаги мамлакатлар: Испания, Судан, Миср, Сурия, Ироқ, Арманистон, Озарбайжон, Византия, Эрон ва шу жумладан Россия каби аҳоли яшайдиган 683 та турли хил пунктларнинг географик координатлар жадвали жуда қизиқарлидир. Улуғбекнинг юлдузлар каталогига 1618 та юлдуз бўлиб, ҳар бир юлдуз номерга эга ва у юлдузнинг юлдузлар туркумидаги аҳволи қисқача тасвирлангандир. Бундан ташқари, Улуғбек кўзга кўринадиган Меркурий, Венера, Марс, Юпитер ва Сатурннинг йиллик ҳаракатини ҳам аниқ белгилаб берган.

Улуғбек эрамиздан аввалги IV аср хитой астрономи Шишен ва эрамиздан аввалги иккинчи аср астрономи Гиппархдан кейин юлдузларнинг жуда пухта каталогини тузиб қолдирган астроном эди. Шунинг учун ҳам машҳур олим Лаплас ҳақли равишда Улуғбекни буюк кузатувчи деб атаган эди.

Улуғбек астрономик мактабида олиб борган ишлар ҳақиқатан ҳам чуқур илмий характерга эга бўлган. Унинг мактаби томонидан берилган илмий анализлар жуда тўғри аниқликка эгадир. Мисол учун унинг юлдуз йилининг тўғри белгилаб берган илмий тажрибасини кўриб ўтиш мумкин.

Улуғбек кўрсатган илмий асосларга кўра юлдуз йилининг узунлиги 365 кун 6 соат, 10 минут, 8 секундга тўғри келган. Ҳақиқатан ҳам олимларимиз йилнинг узунлигини Ньюкомб 1900 ҳисобига 365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд деб белгиладилар¹.

Бу фактлар Улуғбекнинг йил узунлигини аниқлашда қанчалик аниқликларга эга бўлганлигини кўрсатади. Чунки Улуғбекнинг йил узунлигини аниқлаши бир минут 2 секундгига фарқ қилади. Бундай аниқликни бериш жуда катта илмий аҳамиятга эгадир. Олам жисмларининг объектив ҳаракатларини билишда Улуғбек-

¹ Т. Н. Қориниёзов, «Астрономическая школа Улуғбека» изд. А. Н. СССР, Москва — Ленинград, 1950 г. 276.

нинг ҳиссаси каттадир Масалан, астрономик ҳисобларда муҳим роль ўйнайдиган экватор текислиги билан эклиптика текислиги орасидаги бурчакни аниқлашда олимлар қуйидагича хато қилганлар:

Эротосфен — 7'35"

Гиппарх — 8'23"

Птоломей — 10'10"

Алсўфи — 0'50"

Абулвафо — 0'35"

Алжуҳий — 16'36"

Ибн Юнус — 0'33"

Насриддин Тусий — 2'9"

Улуғбек эса бундан ҳам камроқ хато қилган. Эклиптика (ерни қуёш атрофидаги йўли жойлашган текислик) эгилишини аниқлаш масаласида Улуғбек жаҳон фанида энг илғор позицияда турган. Унинг фикрича эклиптиканинг эгилиши 23° 30"—17" га тенг. Яъни хато фақат 0,32 секундни ташкил этади¹. ✓

Улуғбек мактабида гелиоцентрик система тўғрисида баъзи бир муҳим тушунчаларнинг бўлганлиги унинг илмий тадқиқотлари ислом ақидаларининг оламнинг тuzилиши тўғрисидаги бемаъни афсоналарининг фош килиб ташлашга муҳим даражада таъсир кўрсатади.

XI асрда ўтган хоразмлик буюк олим Бирунийнинг ернинг юмалоқлиги (гелиоцентрик) ҳақидаги мулоҳазалари Улуғбек ва унинг мактаби учун ҳам ёт эмас эди. Лекин Бируний реакцияонерлар қаршисида жуда қатъий қилиб қўймаганидек, Улуғбек ҳам бу масалани очиқ баён қилмайди. Шунинг учун ҳам бу астрономия фанидаги назарий қарашларда ер юмалоқ (геоцентрик) деб кўрсатади.²

Лекин шунга қарамай илм ва фанни ривожлантиришда душманлик кўзи билан қараб келган руҳонийлар Улуғбекни бидъатчиликда айблаб, уни обрўсизлантиришга ҳаракат қиладилар. Улуғбекнинг астрономик мактабида олиб борилган илмий ишлар натижасида жуда кўп асарлар яратилган бўлиб, бу асарларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Чунки реакцияон руҳонийлар ва феодал гуруҳлар Улуғбек ўлимидан кейин ҳокимиятни ўз

¹ И. Н. Умняков, Ю. Н. Алексеров, Самарқанд --- (қисқача справочник) 66-бет, 1958 йил.

² Ўзбекистон ССР тарихи, бир томли, 198-бет, Тошкент — 1958 йил.

қўлларига олиб бу бебаҳо илмий асарларнинг кўпини атайлаб йўқ қилиб юборганлар.

Реакцион руҳонийлар бу билан қаноатланиб қолмай астрономия фани оламида жуда қимматли илмий назарияларга асос солган Улуғбек обсерваториясининг асбобларини ҳам йўқ қилиб ташлаганлар. Масалан, кейинги вақтларда олиб борилган қазилма ишлар натижасида обсерваториянинг фахрий секстатидаги тош пойдевор ва градусни аниқловчи мрамар тошлардан бошқа ҳеч қандай астрономик асбоблар топилмади.

Астроном В. Ф. Шеглов «Улуғбек обсерваторияси» деган китобида Улуғбекнинг астрономик мактаби олиб борган илмий ишлар ҳақида фикр юритиб Улуғбек обсерваториясининг илмий иши «янги астрономик таблица» (зижн Курагоний) да 1018 юлдузнинг каталоги ва тенг ҳажмдаги кириш қисми берилган деган натижага келади.

Бу кириш қисмида йил ўлчовлари, астрономик ҳисоблар ва практик машғулотлар, ёш планеталар ҳаракати тўғрисидаги назариялар қуёш ва ой тутилиши назарияси ва бошқа маълумотлар берилган. Бу асар ва обсерваторияда тузилган таблицалар XVII асрда олимларни шунча қизиқтирганки, 15 йил давомида (1650—1652 ва 1665 йилларда) Лондон ва Оксфордда 3 марта нашр қилинган. Кейинчалик обсерваторияда олиб борилган илмий ишлар бир неча марта бошқа мамлакатларда ҳам қайтадан нашр этилди. Шундай қилиб, Улуғбек обсерваториясида олиб борилган илмий кузатиш ишлари ғарб ва шарқда ҳам кенг равишда маълум эди.

Ўрта асрда ой ва қуёш тутилишларини амалий тадқиқотлар асосида олдиндан айтиб бериш, зулм қучоғида яшаб келган оммага маърифат нурларини сочишдан иборат эди. <

Улуғбек ва унинг мактаби томонидан олиб борилган бундай ижобий ҳаракатлар ва шунингдек Мовароуннахрдаги мактаб ва мадрасаларда диний таълимга кўра табиий билимларга кўпроқ ўрин берилиши ўша замоннинг қора гуруҳларини қаттиқ чўчитиб юборади.

Реакцион руҳонийлар Улуғбекнинг табиёт фанларига нисбатан кенг йўл очиб берганлигидан қаттиқ ғазабланадилар ва унга қарши фитна бошлайдилар.

¹ В. П. Шеглов, «Обсерватория Улуғбека в Самарканде», Издания АН СССР, 1958 г. стр. 6.

Марксизм-ленинизм таъкидлаганидек, ҳар қандай дин жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида доимо реакцион роль ўйнаб келган. Дин ҳукмрон синфларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилган. Кишилиқ тарихида дин билан фаннинг бир-бирига тамоман қарама-қарши бўлганлиги ва улар ўртасида доимо шиддатли кураш борганлигини дунёвий билимларнинг инсон фикрини диний ақида, хурофот ва таассублардан озод қилишда катта хизмат қилганини илм ва фаннинг дин устидан ғалаба қозонганлигини исботлаб бердилар.

Реакцион руҳонийларнинг Улуғбекка қарши олиб борган курашлари диннинг дунёвий билимларга қарши олиб борган кураши эди. Руҳонийлар фитнаси билан Улуғбек ўлдирилган бўлса ҳам, лекин унинг қолдирган бебаҳо илмий мерослари ўз қимматини йўқотмай, фан оламида буюк бир хазина бўлиб қолди.

Профессор Т. Н. Қориниёзовнинг айтишича, Улуғбекка қарши реакцион руҳонийлар томонидан бошланган жосуслиқ ҳаракатига ўша даврнинг энг реакцион руҳонийси жатта помещчик Хўжа Насриддин Ўбайдулла — Хўжа Ахрор (1403—1490) бошчилик қилади. Хўжа Ахрор Улуғбек каби илм-фан намояндаларига қарши қаттиқ курашган, Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида, шунингдек халқнинг ижтимоий ҳаётига ҳам қаттиқ зарба келтирган, Урта Осиё тарихида мисли кўрилмаган катта феодал, соп-саноқсиз меҳнаткаш оммани беҳад эксплуатация қилган айёр бир шахс булган.

Темурийлар даврининг тарихчиси Абдураззоқ Самарқандий Хиротдан Самарқандга келиб, Хўжа Ахрор билан суҳбатда бўлади, бу суҳбат натижалари ҳақида қуйидагича ёзади:

«Ёфт дар он ончи ёфт
Дид дар он ончи дид».

Тарихчининг бу шеърида Хўжа Ахрорнинг илм, фан ва маърифатни ривожлантиришга тўсқинлик қилганлиги кўриниб туради.

Яъни бу суҳбатдан тарихчи бахраманд бўлмаганлигини, эшондан арзийдиган янгилик олмаганлигини тўғри баён этади.

Абдураззоқ Самарқандий мен бу суҳбатдан аввал нимани билган ва топган бўлсам, шу ҳолда чиқиб кетдим деб у, ўз ҳаётини реакция ҳужумидан сақлаб қолиш

учун Хўжа Ахрор тўғрисида ўз фикрини очиқ баён этмай, шу қисқа иборалар билан чегараланади.

Халқ бошига зулмат ёғдирган бу қора булут — Хўжа Ахрор Улуғбекка қарши ҳийла ишлатиб, Улуғбекнинг ўғли Абдулатифни қўлга олади ва у орқали ўз ниятига эришади. Бу воқеа шундай бўлган эди.

Шоҳруҳ 1447 йил 12 мартда ўлди. Шоҳруҳ ўлимидан кейин Хуросон ва Ўрта Осиёда темурийлар ўртасида тахт учун жиддий талашлар ва исёнлар бошланиб кетди.

Шоҳруҳнинг хотини Гавҳаршод Хирот тахтида ўз набраси Ало Ад Давлаши (Улуғбекнинг укаси бўлган Бойсунқорнинг ўғли) қўйишни истайди, лекин бу истагини эълон қилолмайди, чунки тахтга Шоҳруҳнинг катта ўғли Улуғбек ўтириши керак эди. Ало Ад Давла ва Абулқосим Бобир (бу ҳам Бойсунқорнинг ўғли) Машҳад ва Мозандаронни ишғол қилдилар.

1447 йилда бўлиб ўтган Хирот учун темурийлар ўртасидаги жанглар Улуғбек манфаатига ҳал бўлгач, Улуғбек Хиротни олган бўлса ҳам у Балх вилоятига ўз ўғли Абдулатифни ҳокимликка тайинлайди ва ўз давлатининг пойтахти қилиб яна Самарқандни танлайди. Чунки у Самарқандни яна обод ва илм-маърифат марказига айлантиришни истар эди.

Улуғбек Хиротдан Самарқандга қайтишда, йўлда кўчманчиларнинг қаттиқ ҳужумига учрайди. Урушда енгилиб, апчагина жангчилари ва бойлигидан ажралади. Бу вақтда Абулқосим Бобир ҳам Улуғбекка қарши қўзғалиб, Улуғбекни анча шошириб қўяди.

Отасига кек сақлаб юрган Абдулатиф бу фурсатдан фойдаланиб, 1449 йилда отасига солиқ тулашдан бош тартади ва мустақил ҳукмронлик қила бошлайди. Давлатнинг ягоналигини сақлаб қолишга интилган Улуғбек исёнкор ўғлига қарши юришга мажбур бўлади ва ўғли Абдулазизни Самарқандга ноийб қилиб қўйиб, ўзи йўлга чиқади. Самарқандда ноийб бўлиб қолган Абдулазиз ўзининг ўринсиз ҳаракатлари билан тез фурсатда Самарқанддаги амирларнинг қаттиқ норозилигига дуч келади. Бундан хабар топган Улуғбек Самарқандда осойишталикни тиклаш учун йўлдан қайтишга мажбур бўлади.

Улуғбекнинг бошига тушган ташвишлардан ўғли Абдулатиф беҳад хурсанд бўлади ва 1449 йилда отаси-

га қарши юриш бошлайди. Абдулатиф аввал Термизни, сўнгра Шаҳрисабзни босиб олади ва Самарқандга яқин Димишқ деган жойда бўлган жангда отаси устидан ғолиб чиқиб Самарқандга кириб келади.

Самарқанддаги руҳонийлар ва амирлар Улуғбекни Самарқандга киришга қўймайдилар. Улуғбек ўз ўғли Абдулатифга таслим бўлади ва қолган умрини обсерваторияда илмий ишлар билан ўтказишга қарор беради. Лекин реакцион руҳонийлар бунга тамомила йўл қўймайдилар. Улар Абдулатифни, исломни сақлаб қолувчи дин ҳомийси деб кўкларга кутарадилар ва Улуғбекнинг Маккага бориб ҳаж қилиб, гуноҳларидан пок бўлиб қайтишини талаб этадилар.

Улуғбек Абдулатифдан ҳажга бориш тўғрисида амр олгандан кейин, бир оқшом пайти ўзига яқин кишилар билан йўлга чиқади. Орадан бир оз вақт ўтгач Самарқандан келган чопар уларни йўлдан тўхтатади ва шу вақт Аббос исмли бир киши келиб Улуғбекнинг ўлдирилиши тўғрисидаги Хўжа Ахрор ташаббуси билан ёзилган Абдулатифнинг фармонини ва руҳонийларнинг фатвосини кўрсатади. Аббос ўз навкарлари ёрдамида Улуғбекнинг қул-оёқларини боғлаб ҳовлига олиб чиқади ва уни ариқ ёқасида милтиллаб ёниб турган ўт ёнига ўтирғизиб бир қилич силташ билан бошини танидан жўдо қилади.

Буюк олимнинг бошсиз қолган танаси юмалаб ариққа тушади. Шундай қилиб, 1449 йилнинг 27 октябрида (ҳижрий 10 рамазон 853 йил) бутун дунё астрономия фани оламига миносиб ҳисса қўшган Улуғбек руҳонийларнинг фитнасига сотилган ўғли Абдулатифнинг фармойиши билан ўлдирилади.

Падаркуш Абдулатиф орадан 3 кун ўтгач ўз укаси Абдулазизни ҳам ўлдиради. Шундай қилиб, феодал ва руҳонийларга сотилган Абдулатиф ёвуз қотилга айланади. Абдулатифнинг бундай қотиллик ролини Урта Осиё дарвешизмининг Хўжа Ахрор бошлиқ реакцион намояндалари бажарадилар. Ўз отасини ўлдирган қотил Абдулатифга қарши халқ ғазабни кучаяди.

Ўтакетган мансабпараст Абдулатифдан сарой зодагонлари ҳам норози бўла бошлайдилар ва сарой зодагонлари орасидан Абдулатифга қарши суиқасд қилиниб, 1450 йил 8 май ойида саройда ўзгартиш ясалади, Абдулатиф Самарқанд четидаги «Боғи Нав» деган боғ-

дан сал нарироқда улдирилади. Қотиллар Абдулатифни ўлдиришда очиқдан-очиқ иш кўрадилар ва унинг калласини Самарқандга олиб келиб, Улуғбек мадрасасининг пештоқига илиб қўядилар.

Улуғбек ўлиmidан кейин руҳонийлар ҳаддан ташқари қутурадилар ва очиқдан-очиқ иш кўришга киришадилар.

Профессор Қориниёзов Улуғбек ўлиmidан кейин Абдулатиф ҳукмронлиги давридаги мамлакат аҳволи тўғрисида сўзлаб, бундай дейди:

«Улуғбек ўлдирилгандан кейин феодаллар ўртасидаги фитналар ва ўзаро урушлар жуда ҳам қизиқ кетди. Реакция устун чўқди. Абдулатиф руҳонийлар ва феодал аристократларининг ишончли ҳомийси эди. Халқ бошига яна оғир кулфатлар келди. Чунки Абдулатиф мустақил режим ўрнатди, ўз мухолифларини шафқатсизлик билан бостирди. Уларни қиличдан ўтказди, дорга остирди»¹.

Улуғбекнинг фожиаали ҳалокатидан сўнг икки йиллик урушдан кейин теурийлардан Абусаид Нақшбандий дарवेशларнинг бошлиғи Хўжа Ахрор ва Мовароуннахрни талашга кўз тикиб турган Дашти Қипчоқ кўчманчиларининг хони Абулхайр ёрдами билан ҳукумат бошига келди. Унинг даврида (1451 — 1469) реакция шундай ҳам кучайдики, қонхўр, раҳмсиз Султон Абусаид ўз ҳукмронлигининг биринчи йилларида Шоҳруҳ Мирзанинг хотини улуғ олим Улуғбекнинг онаси Гавҳаршод бегимни ҳам қатл эттирди.

Феодаллар ўртасида бошланган шундай фитналар натижасида бир неча йиллик илмий текширишлар асосида қад кўтарган астрономия фанининг тажриба мактаби булган обсерватория руҳонийлар томонидан вайрон қилинди, ундаги ноёб асбоб-ускуналар таланди. Улуғбек ўлиmidан кейин олимлар қаттиқ қувғин остига олинди. Улуғбек мактаби ва унинг саройи атрофида тўпланган олимлар бирин-кетин Самарқанддан кета бошладилар.

М. Е. Массон «Улуғбек даврида Самарқанд» деган мақоласида («Звезда Востока» журнали, 1948 й. № 5) Улуғбекдан кейин Самарқандда ҳукм сурган реакциянинг

¹ Т. Н. Қориниёзов, «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар». ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, 33-бет. Тошкент, 1956 йил.

даҳшатли манзаралари ҳақида сўзлаб, шундай дейди:
«Унинг (Улуғбекнинг) мадрасасида дунёвий фанларнинг ўқитилишига йўл берилмайди. Обсерватория бир умрга ташландиқ ҳолга тушади. Самарқандда илмий ҳаракат тақиқланади».

Улуғбекнинг замондоши хиротлик шоир Жомий бу даҳшатларни ўз шеърида ҳаққоний равишда тасвирлаб бундай дейди:

«Агар сен давлат қурмоқ истасанг Ҳиндистонга бор. Агар сен бахтиёрлик истасанг Маккага бор, унисини ҳам, бунисини ҳам истамасанг Самарқандда қол». (М. Е. Массоннинг юқоридаги мақоласидан).

В. В. Бартольд ҳам Улуғбек ўлиmidан кейин Самарқанддаги маданий ҳаётни реакцион руҳонийлар тазйиқи остида қаттиқ зарбага учраганини кўрсатиб, бундай дейди:

«Бобир ўз амакиси Султон Аҳмад подшолиги давридаги атоқли кишиларни санаганида на бир олим, на бир шоирни тилга олар эди, улар бу вақтга келиб Самарқандда қолмаган бўлса керак. «Қишлоқи шоҳ» томонидан мағлуб бўлган шаҳар маданиятининг намояндалари Ҳиротга Султон Ҳусайн (Темурнинг ўғли Умар Шайхнинг невараси)нинг ажойиб саройига кетишган».

Абдулатифдан кейин бўлган ҳукмронлар Абусаид ва унинг ўғли Султон Аҳмад давридаги сиёсатнинг ҳақиқий раҳбари Урта Осиёда сўфизмнинг бошида турган Хўжа Ахрор бўлди, Хўжа Ахрор мадрасаларда дунёвий фанларни ўқишга тиш-тирноғи билан қарши туради. Хўжа Ахрор томонидан олиб борилган тазйиқлар натижасида Самарқанд олимлари мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Масалан, Улуғбекнинг энп яқин шогирди Мавлоно Алиқушчи Маккага боришни сабаб қилиб, Самарқанддан Стамбулга қочиб боради ва у ерда Улуғбекнинг астрономик жадвалларини нашр эттиради.

Реакцион руҳонийларнинг қаттиқ қаршиликлари натижасида оёқ ости қилинган илмий бойликлар ва санъат соҳасида эришилган ютуқлар ўз аҳамиятини йўқотмади. Чунки бу илмий тадқиқот ишлари у даврдаги маърифатпарвар кишилар юрагидан кенг жой олган эди.

«Улуғбек томонидан вужудга келтирилган астроно-

мик мактаб кишилик тарихида катта ўринни эгаллайди. Улуғбекдан кейин ўтган олимлар ва донишмандлар Улуғбек мактаби яратган илмий назарияларни зўр ҳурмат билан ўқиб ўргандилар. И. И. Сикора Улуғбекнинг астрономия фани соҳасидаги хизматларига баҳо бериб, Улуғбек «юлдузларнинг шунгача бўлган (1913 йилгача) жадвалларига нисбатан энг мукаммал жадвалларни тузди, Улуғбек буюк кузатувчи, у ўзининг мукаммал кузатувлари билан ўзигача бўлган астрономлардан бир қадам олға силжиди»¹, деб кўрсатади.

В. В. Бартольд ҳам «Мирза Улуғбек мусулмонлар дунёси тарихида ягона подшоҳзода олим бўлиб, замондошлари уни Арестотель шоғирдларининг энг пешқадамидир деб ҳисоблаганлар»² дейди.

Филология фанлари доктори Воҳид Абдуллаев ҳам «Алишер Самарқандда» деган китобида Навоийнинг Улуғбек астрономик илмий ишлари билан қизиққанини кўрсатиб, бундай дейди: «Алишернинг бу фанлар бўйича ҳам Самарқандда кўпроқ маъмулотлар ўтказгани шубҳасиздир. Чунки Улуғбек ҳукмронлиги (1409—1449) даврида бу фанларнинг ўша даврга кўра ғоятда тараққий этган жойи Самарқанд эди ва XV асрнинг 60—70-йилларида биз юқорида ёзиб ўтган олимлар муҳитида бу фанларни ўзлаштириш ҳаваси қайтадан жонлана бошлаган эди.

Улуғбек Қозизода Румий, Ғиёсиддин Комоний, Абу Алл ибн Муҳаммад Биржоний, Алоиддин Қушчи хизматлари патижасида яратилган «Зич» (Улуғбекнинг астрономик таблицаси) «Алрусутул фатхия» (Алоиддин Қушчи китоби) каби асарлар билан Навоий таниш экани шубҳасиз³, деб Алишернинг қўйидаги сўзлари келтирилади.

«Улуғбек донишманд подшоҳ эрди. Камолати бағоят кўп эрди. Ҳайъат (астрономия) ва риёзини кўп билур эди. Андақким зич бошида расат боғлайди ва ҳоло анинг зичи арода шоедир»⁴.

¹ Н. И. Леонов, «Улуғбек великий астроном XV века», Москва, 1949 г. стр. 53.

² В. В. Бартольд, «Культура мусулманства», Петроград, 1918 й. 94-бет.

³ В. А. Абдуллаев, «Алишер Самарқандда», Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат университетининг асарлари. Янги серия, № 42. Самарқанд, 1948 йил, 26 — 27-бетлар.

⁴ Ўша китоб, ўша бет.

Навоний Улуғбекка бўлган ҳурмат ва эътиборини ўзининг бадий асарларида ҳам кўрсатгандир. У ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Улуғбек ҳақида гапириб, темурийлар авлодидан Улуғбекдай донишмандни ҳали дунё кўрмаганини қайд қилади ва олам охиригача унинг илмий ишлари келгуси авлодлар томонидан юксак баҳоланиши ҳақида гапириб, шундай ёзади:

«Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...
Валек ул илм сари топди чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст,
Расадким боғламиш-зеби жаҳондир
Жаҳон ичра яна бир осмондир.
Билиб бу нав-илми осмони,
Ки андин ёзди зичи Курагоний,
Қиёматга декинча ақли айём.
Ёзорлар онинг аҳкомидан аҳком»¹.

Шундай қилиб, реакцион дин ҳомийлари Улуғбекни ўлдирish ва мамлакатдаги прогрессив мутафаккирларни қуёғин остига олиш билан дунёвий фанлар устидан ғалаба қозонишга уринган бўлсалар ҳам, илм ва маърифат бойликларини йўқ қилолмадилар. Улуғбек ўлимидан кейин Самарқандда бошланган реакцион хуружлар қанчалик зўрайиб кетмасин, лекин Самарқандда маданий ҳаёт сўнмади.


* * *

Биз юқорида Улуғбек ўлимидан сўнг обсерваториянинг реакцион руҳонийлар томонидан хароба ҳолига келтирилганлиги тўғрисида гапириб ўтдик. Ҳақиқатан ҳам обсерватория XVI асрдаёқ бутунлай вайрон бўлди. Узоқ вақтгача олимлар обсерваториянинг қаерда қурилганлигини биллолмадилар. 1908 йилда самарқандлик археолог В. Л. Вяткин обсерваториянинг қаердалигини топди.

В. Л. Вяткин маълум бир кишининг ер участкасини кўрсатувчи XVII асрга оид, Вақф ҳужжатини топдики, бу ҳужжатда ер участкасининг атрофи Тали Расад (обсерватория), Оби Раҳмат ва Нахши Жаҳон боғи билан чегараланганлиги кўрсатилган эди, бу ҳужжат обсерваториянинг ўрнашган жойини аниқлашга археолог

¹ А. Навоний, «Фарҳод ва Ширин», Ўздавнашр, Тошкент. 1956 йил, 696-бет.

Вяткинга катта ёрдам берди. 1908—1909 йилларда Вяткин томонидан ўтказилган археологик қазилмалар вақтида обсерваториянинг асосий асбоб-ускуналарининг бир қисми, В. Л. Вяткиннинг айтишича «Квадрант» ва бир ғишт қалинлигидаги думалоқ девори топилди. 1914 йилда Вяткин томонидан иккинчи марта қазилма ишлари яна



Самарқанддаги Улуғбек обсерваториясининг ҳозирги ташқи қурилиши.

давом эътирилди, бу вақтда обсерватория биноси турли ташландиқ нарсалардан тозаланди. Бу қидиришда гумбазсимон девор очилганга қадар қазилма ишлари давом эттирилди. Лекин В. В. Бартольднинг кўрсатишича, бу археологик қидириш ишлари обсерваториянинг қурилиш тартибининг қандай бўлганлиги ҳақида тўлиқ маълумот бера олмаган.

Подшо ҳукуматининг археологик қидирув ишларига эътибор бермаганлиги сабабидан, Вяткин томонидан бошланган қидириш ишлари охиригача етказилмайди. Лекин шунга қарамай В. Л. Вяткиннинг обсерватория биносининг топилган устида олиб борган ишлари катта аҳамиятга эга бўлди.

В. А. Шишкин ўзининг «Улуғбек обсерваторияси ва уни текшириш» деган мақоласида Вяткиннинг обсерва-



Улугбек обсерваториясининг ички кўринишининг
секстант қисми.

тория биносининг ўрнини аниқлаш соҳасида қилган ишларини баҳолаб бундай дейди:

«В. Л. Вяткин томонидан олиб борилган қазилма ишлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу қазилма ишлари фанни Ўрта Осиё халқларининг урта аср маданияти ёдгорликлари билан бойитди».

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Коммунистик партия ва Совет давлати фанни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Бу имконият Улуғбек илмий ишларининг маркази бўлган Самарқанд обсерваториясини кенг равишда ўрганиш ва уни илмий асосда анализ қилишда катта ёрдам берди.

1941 йилда М. Е. Массон раҳбарлигида И. А. Сухарев томонидан обсерваторияда илмий қидириш ишлари яна давом эттирилди. Илмий қидириш ишлари олиб борилган йилларда обсерватория биноси пойдеворларининг бир қисмигина аниқланди. Улуғ Ватан уруши бошлангани сабабли обсерваторияда қидириш ишлари тўхта-тилди. 1947 йилда профессор Т. Н. Қоринпёзов томонидан «Астрономический журнал»нинг №7 сонида босилган «Секстант Улуғбек обсерваториясининг бош асбобидир» ва Г. Д. Жалоловнинг «Улуғбек обсерваторияси янги маъбалар асосида» деган илмий ишлари, Улуғбек обсерваториясини илмий асосда текширишнинг мукамал йулларини курсатиб берди. Ўрта аср шарқда мавжуд бўлган астрономия ва математикага оид кўпгина материаллар (адабиётлар) асосида ёзилган бу асарлар Улуғбек обсерваториясининг асосий кузатиш асбоби Вяткин курсатиб утган «Квадрант» эмас, балки X асрда Фахр-Уд-Давла саройида яшаган хўжандлик астроном Абу Маҳмуд томонидан ижод этилган «Фаҳри секстант»¹ эканлигини ишонарли далиллар билан исботлади.

Улуғбек обсерваторияси уша вақтдаги энг яхши ва мукамал инструментлар билан таъминланган. Фаҳрий секстантининг сақланиб қолган қисмининг баландлиги 11 метр келади. Обсерваторияда координатлар (узунлик ва кенглик) ўлчовлари аниқ курсатилган. Секстантнинг катталиги конструкциянинг қулайлиги ва самарқандлик

¹ Астроном Абу Маҳмуд ўзи ихтиро этган секстантни ўша даврдаги халифа Фаҳр-Уд-Давла номига қўйган.



Қабрининг юқори курниши.

астрономларнинг юксак маҳорати, кузатиш ишларининг бениҳоя аниқ бўлишини таъминлаган.

1948 йилда В. А. Шишкин раҳбарлигида Улуғбек обсерваториясида қўдириш ишлари яна давом эттирилди. Бу қўдириш ишлари обсерватория биносининг тамоман бузиб ташланганлигини исботлаб берди.

1950 йилда Т. Н. Қориниёзов томонидан ёзилиб, нашр этилган «Астрономическая школа Улуғбека» деган китоб мукаммал йирик бир илмий асардир. Бу асарнинг қиммати шундаки, Улуғбек ва унинг Самарқанддаги астрономик мактабида ишлаган сафдошларининг жаҳон астрономия фанини ривожлантиришга қўшган бебаҳо ҳиссалари чуқур илмий асосда таҳлил этиб берилган.

Бутун дунё халқлари тарихида Самарқанддаги астрономик мактабни ташкил этиш билан шуҳрат қозонган ўзбек олими Улуғбек XV асрда прогрессив кучлар билан реакцион кучлар ўртасидаги кучли зиддиятларнинг қурбони бўлди.

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан, Навоий яшаган даврни ўрганиш мақсадида Қориниёзов раҳбарлигида ташкил этилган экспедиция Улуғбек жасади қўйилган Гўримирдаги қабрни очишни лозим кўрди.

«1941 йилнинг 18 июнида Улуғбек қабри очилди. Илмий текширишлар ҳақиқатда ҳам Улуғбек склетининг учинчи орқа умуртқа суяги ўткир бир қурол билан кесиб ташлангани, бош суяги тана суягидан ажралган ҳолда турганлиги исботланди».¹ Қабрни очиш натижасида Улуғбекнинг бош суяги асосида М. М. Герасимов унинг (Улуғбекнинг) бюстини ишлаб чиқди.

* * *

XV аср реакцион гуруҳлари Улуғбекни ваҳшийларча ўлдириб, илм аҳллари устидан ғолиб чиқа олмадилар. Уша даврдаги прогрессив кучлар ва ундан кейин яшаб ўтган олимлар, Улуғбек мактаби қолдирган нодир илмий асарлардан баҳраманд бўлдилар.

Марксизм-ленинизм таълимотларига қатъий амал

¹ Т. Н. Қориниёзов, «Астрономическая школа Улуғбека», изданиа, АН СССР. Москва — Ленинград, 1950 г. стр. 295.



М. М. Герасимов томонидан Улугбекнинг бош суяги асосида ишланган портрет.

қилган ҳолда Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм сари комил ишонч билан дадил қадам ташлаб бораётган Совет мамлакатада фаннинг ҳамма соҳалари борган сари равнақ топмоқда. Бизнинг мамлакатимизда фан ва унинг барча муваффақиятлари халқ манфаатларига, халқ хужалигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.



Қабрнинг пастки куриниши.

Мамлакатимизда оддий ишчи ва колхозчиларнинг ҳам, олимнинг ҳам, умуман ҳар бир совет кишисининг ихтирочилик ташаббуси қўллаб-қувватланади ва улардан халқ хўжалигини ривожлантириш йўлида кенг фойдаланилади. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқида фаннинг ривожланиб бориши зўр суръатга эгадир. Олимларимиз совет фанини янада ривожлантиришда илгор идеялар билан суғорилган, прогрессив тушунчалар билан тулиб тошган маданий мерослардан кенг фойдаланиш устида самарали иш олиб бормоқдалар.

Совет олимларининг бу ташаббуси натижасида ўтган замонларда феодал реакцияси ва диннинг кучли зарбалари остида қурбон бўлган буюк ақл эгаларининг номи бутун совет халқи томонидан зўр ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Совет халқи дунёда илм ва фанни ривожлантиришда беҳисоб ҳисса қўшган олимларнинг номини ҳеч қачон унутмайди. КПСС Марказий Комитетининг секре-



Улугбек обсерваториясида Улугбекка қўйилган монумент ҳайкал.

тари Н. А. Муҳитдинов Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган конференциясида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

«Инсоният Осие ва Африка халқларининг улуғ фарзандларини, ақл-заковатлари билан коинот сирларини очган, кишиларга табиат қонунларини билиб олишга ёрдам берган ва жаҳон фани тараққиётининг бутун даврини очган фарзандларини ҳеч қачон унутмайди»¹.

Халқимиз буюк астроном Улуғбекнинг жаҳон фани тараққиётидаги буюк хизматлари туфайли катта ҳурмат қилади ва асарларини қунт билан ўрганади. Буюк олимнинг сиймоси совет ёзувчилари ва, композиторларининг асарларида ўзининг муносиб ифодасини топмоқда. Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонидаги юлдузлар», Козловскийнинг «Улуғбек» операси бунинг мисолидир.

Ўзбек халқи Улуғбек номини абадийлаш мақсадида мактаб, кўча ва кутубхоналарни унинг номи билан атамоқда. Ўзбекистонда Шаҳрисабз шаҳрига яқин жойда совет астрономлари самарали илмий ишлар олиб бормоқдалар. Самарқанддаги Улуғбек обсерваториясининг асосланганлигига 500 йил тўлиши муносабати билан 1928 йилда Сурхондарё областининг Китоб шаҳрида астрономик кенглик станцияси иш бошлади. Бу обсерваторияга Улуғбек номи берилди. Китобдаги кенглик обсерваториясининг илмий ишлари халқаро аҳамиятга эгадир. Унинг астрономлари географик кенглик ва узунлик ўлчовлари устида қунт билан иш олиб бормоқдалар.

1930 йилда Китоб станцияси халқаро обсерватория станциялари қаторига қўшилди.

1949 йили улуғ олим Мирзо Улуғбекнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан, унинг обсерваторияси ёнида Ғозгон мармар тошидан олимнинг расми акс эттирилган тош лавҳада барельефи (ҳайкали) ўрнатилди.

Самарқандда ҳозирги вақтда Улуғбек обсерваториясининг ёнида Улуғбек замонидаги уч қаватли обсерватория биносининг қурилишига мослаштирилган ҳолда пишиқ ғиштдан янги бино макети қурилмоқда, бу бино келажакда Улуғбек музейига айлантирилади. Улуғбек

¹ Н. А. Муҳитдинов, Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясида сўзлаган нутқдан «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1958 йил, 8 октябрь, № 327.

асос солган Фиждувон, Самарқанд, Бухоро мадрасалари ва обсерваторияси ҳозирги вақтда барча мамлакатлардан келадиган туристлар ва совет граждaнларининг зўр эътибор билан кўрадиган экскурсия объектига айлангандир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Самарқанд шаҳарида қурилган кенг экранли ёзги кинотеатрни, Самарқанд яқинидаги темир йўл станцияларидан бирини ва Фарғона пединститутини Улуғбек номига қўйиб, буюк олимга бўлган ҳурматларини намойиш қилдилар.

Улуғбек фан осмонида ёруғ юлдуз каби чарақлади ва нур соча бошлади.

Иттифоқ ва жаҳон миқёсида илмий конгресслар, съездлар ва конференциялар ўтказилиб туриладиган фан саройи бўлган Москва университети конференция зали фойеси юқорисида ўйма портретлар ўрнатилган. Бунда буюк олимлар — Арестотель, Абу Али ибн Сино, Леонардо Да Винчи, Коперник, Галилей, Ньютон, Ломоносов каби олимлар ўртасида Улуғбек ҳам абадий ўрин олган!

Улуғбек совет халқининг буюк олимидир.
